

O'ZBEKISTON



O'VOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2005-YIL • 13-YANVAR • PAYSANBA • 6 (27.341) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

Қадим Регистон майдонининг бугунги кўриниши



САМАРҚАНД САЙҚАЛИ ЯНАДА ЗИЁДА БЎЛАДИ

«Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довруғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир. Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир».

Ислом КАРИМОВ

Биз бугун улкан ўзгариш ва янгиликлар замонида яшаймиз. Халқимиз янги ҳаёт, янги жамият куриш йўлида салмоқли қадамлар қўймоқда.

Ана шундай юксак орзу-мақсадларимизга монанд равишда онгу тафаккуримиз, дунёқарашимиз, ҳаётга муносабатимиз ҳам, юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Ва табиийки, бу жараёнда халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, эзгу интилишлари, Президентимиз Ислом Каримовнинг узқони қўлаб олиб бораётган сиёсати, азму шижоати, қатъияти намойён бўлмоқда.

Шу боис, Юртбошимизни нафақат истиқлолимиз меъмори, нафақат янги бунёд этаётган миллий давлатимиз асосчиси, айнаи ҳақда, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан курилишлар, кенг қўламли ободончилик ишларининг ташаббускори ва раҳнамоси десак, ҳеч қандай муболағаб бўлмайди.

Буни шу кунларда бутун юртимиз қатори Самарқанд шаҳрида юз бераётган катта ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

МОЗИЙ БИЛАН ЮЗЛАШГАНДА

Рўйи заминда қадимий цивилизация тимсолига айланган, ўзининг бой тарихи, бетакрор қиёфаси ва теран маърифий мазмун-моҳияти билан башар аҳлини ҳайратга солиб келаётган шаҳарлар кам эмас. Табаррук тупроғимизда қад ростилаган ва асрлар оша доврुक таратиб келаётган азим Самарқанд номи ҳам ана шундай боқий шаҳарлар қаторида туриши ҳар биримизга чекиз фахр ва ифтихор бахш этади.

Неча асрлардан бери бу муаззам шаҳар ер юзининг сайқали, дея таърифланиши, жаҳон аҳли тилида «Мовароуннаҳр тилла узук бўлса, Самарқанд унинг гавҳар кўзидир» деган ҳикматнинг тушмай келиши бежиз эмас. Шаҳар кўрғига қўқ қўшиб тур-

ган, турфа рангли нафис кошнлар билан зийнатланган асрий обидалар дунёвий билимларни, айниқса миллий меъморчилик илму амалини санъат даражасига кўтарган уста-наққошлар, мусаввир ва кўли гул бинокорлар тафаккурининг маҳсули бўлиб, бу аъналарни давом эттириш ва бойитиш бугунги авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Тарихчи олимлар Самарқандни замон тўфонларига қудратли кўксини мардона тугиб турган энгилмас баҳодирга қиёшлашади. Бу таққос замирида чўқур маъно бор. Лоқал кўп асрлар аввал бу заминга бойлик ва шон-шўхрат илнжидида бостириб кирган Александр Македонский, Чингизхон каби тажовузкор ҳўқмдорларнинг ҳўжумларини эслаш кифоя. Бу кўҳна шаҳар ўз тарихида ана шундай ҳўлаларга қайта-қайта дўчор бўлган. Лекин бу элнинг иродаси букимлаган, ҳар гал мардонаворлик билан қаддини ростлаб, бунёдкорлик йўлидан қайтмаган.

Самарқанднинг асрлар давомида, даврнинг ўта мураккаб босқичларида қадам-бақадам ривожланиб, жаҳолат тўсиқларини энгиб, юксак илм-маърифат, адабиёт ва санъат масканига айлангани том маънодаги маънавий жасорат намунаси дур. Мана шу ҳўқикатни тан олган жаҳон аҳли бу кўҳна ва навқирон шаҳар тарихига катта қизиқиш билан қарайди, бу ердаги қадимий маданият намуналарини ўз кўзи билан кўришни орзу қилади. Мусулмон оламнинг вакиллари эса унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиу авлиёлари хоки-пойларини зиёрат қилишни эзгу мақсад деб билади. Ҳар йили бу гўзал ва бетакрор маскан сари интиладиган сайёҳлар сонни ортиб бораётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Айниқса, инсон ақл-заковатининг дурдоналари — қимматбаҳо китоблар сақланадиган кутубхоналар, дунёга машҳур уламо ва мударрислар файз ато этган дорилфунун-мадрасаларининг шу заминда бунёд бўлгани эътиборлидир. Илгор инсоний тафаккур рамзи бўлиши Шарқ оламидаги уч

Байтулҳикма — Академиядан иккитаси ўзбек заминиди, улардан бири — Мирзо Улуғбек Академияси эса айнан Самарқандда фаолият юритганида ҳам катта маъно бор, албатта.

Самарқанд тарихи дунёвий ва руҳоний илму фан, адабиёт ва санъат, миллий меъморчилик тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган азиз-авлиё ва алломалар — Имом Бухорий, Имом Бурҳониддин Марғиноний, Абу Абдулло Рудакий, Хурдодбек, Истаҳрий, Абу Мансур ал-Саолибий, Махмуд Қошғарий, Умар Хайём, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Маҳдуми Аъзам, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Коший, Мавлоно Лутфий, Хожа Аҳрор Валий каби улуг зотлар номи ҳамда фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу ўринда халқимиз қалбиди чўқур асорат қолдирган бир ҳолатни афсус билан эслашимизга тўғри келади. Бу ерда гап бир юз ўттиз йилдан зиёдроқ давом этган мустамлакачилик сиёсати ҳақида, бу даврда бебаҳо миллий қадриятларимиз бўлимиш моддий ва маънавий ёдгорликлар оёқости қилингани, топталгани ва шу йўл билан миллий ғуруримиз, эл-юртимиз шаъни камситилгани ҳақида бормоқда.

Тарихий манбаларда айтилишича, Чингизхон Бухорони босиб олган пайтда муқаддас обидаларни отхоналарга айлантирган бўлса, чор қўшинлари Самарқанд фаҳри саналган кўпгина тарихий ёдгорликларни вайрон қилган. Хусусан, самарқандлик тадқиқотчи Болта Ортиқов бир рисоласида берган маълумотга қараганда, Амир Темур қароргоҳи бўлган муаззам Кўқсарой ёдгорлиги тўплардан ўққа тутилган ва оқибатда бизгача етиб келмаган.

Таассуфки, кейинчалик, шўро замонида ҳам миллий қадриятларимизга нисбатан бундай белсанд муносабат ўзгармади, аксинча, шафқатсизроқ тус олди. Кексаларимиз шаҳардаги қўлаб тарихий обидалар, масжид-мадрасалар, хонақоҳ ва мақбаралар хонавайрон қилинганини, уларнинг аксарияти омборхона, савдо дўкони ҳамда идораларга айлантирилганини, айниқса, ўтган асрнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларида нодир қўлёмалар оловда кўйдирилганини алам билан хотирлашади.

2-бет

ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Курбон ҳайитини шоду хуррамлик билан ўтказиш халқимизнинг азалий аъналаридан экани, ушбу сананинг жамиятимиз маънавий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаши ва «Сихат-саломатлик йили»да инсонларда руҳий-маънавий, жисмоний поклик сифатларини шакллантиришдаги аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Курбон ҳайитни дам олиш кўни деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2005 йилда Курбон ҳайитининг биринчи кўни 21 январга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарори эътироф этилсин ҳамда 21 январь кўни мамлакатимизда дам олиш кўни деб эълон қилиниб, байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Курбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 12 январь

ЎзХДП янгиликлари

ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲЛАРИ ТУЗИЛМОҚДА

Мамлакатимизда 2004 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтган ялпи сайловлар ва жорий йилнинг 9 январь кўни ўтказилган такрорий овоз беришда Ўзбекистон ХДП фаол иштирок этди. Партиядан кўрсатилган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатлик ўринлари учун бошқа сиёсий партиялар ва фуқаролар ташаббускор гуруҳлари номзодла-

ри билан жиддий кураш олиб бордилар. Партиямизнинг сайловларда иштирокини таҳлил этиш — ҳали олдинда. Аммо ҳозирнинг ўзида ҳам номзодларимизнинг талай қисми кўпчилик сайловчиларнинг овозини олиб депутатлик мақомига эга бўлганлигини айтиш мумкин.

Бугунги кўнда партия кенгашлари Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатларнинг қонунда кўзда тутилган тузилмаларини ташкиллаштириш ишлари билан бевоқифа шуғулланмоқда. Жойларда де-

путатлар ййгилишлари ўтказилиб, уларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларида — партиямизнинг депутатлик гуруҳларини тўзиш ҳақида қарор қабул қилинмоқда. Улар янги сайланган давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларининг бўлажак сессияларида рўйхатга олинганларидан кейин фаолият кўрсата бошлайдилар.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

АНГРЕННИНГ МАКТАБЛАРИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Ангрен шаҳрининг Гулбоғ кўрғонидида 28-мактаб янги қиёфа касб этди. Қирқ беш йил муқаддам қурилган мактабнинг синф хоналари тор, совуқ, спорт машғулотири тугул, оддий дарс ўтказиш учун ҳам шариот деярли йўқ эди. «Санотқалинқозсавдо» очик акциядорлик жамияти мактаб учун уч қаватли бино ажратди.

Бинони қайта реконструкция қилиш вазифасини ҳам жамият ўз зиммасига олди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими битта хитонани сўнгги рубумдаги компьютерлар билан жиҳозлади.

Шаҳар марказидида 8-мактаб Осие тараққиёт банки кредити ҳисобига муқаммал таъмирдан чиқарилди. Бу

ерда жисмоний тарбия ва спорт, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун ҳам кенг шариот яратилди.

Жорий йилда учта мактаб давлат ҳисобидан таъмирланди. Бунинг учун бюджетдан 284,6 миллион сўм маблағ ажратилди. «Ўзбекшахтақурилиш» очик акциядорлик жамияти курувчилари эса 1-мактабда муқаммал таъмирлаш, 39-мактабда реконструкция ишларини бошлаб юборди.

Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнининг сифати кўпроқ малакалик кадрларга, ўқув адабиётлари ва дарсликлар таъминотига боғлиқ. Ёш, иқтидорли педагогларни мактабларга жалб этиш борасида Тошкент вилояти давлат педагогика институти

билан ҳамкорлик яхши натижа бермоқда. Янги ўқув йилида йигирмадан зиёд ёш ўқувчилар мактабларга ишга келди.

Ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш ҳам сезиларли даражада яхшиланди. Эҳтиёжманд оилалар фарзандларини бепоул иссиқ кийим-бош, тушлик билан таъминлаш йўлга қўйилган. Мактабларга олинган қатновчи ўқувчилар учун транспорт ажратилган.

Бу борадаги ишларга «Ангрен» кўмир қони, «Капитал» рефер индустрийд» кўша қорхонаси, «Санотқалинқозсавдо» ишхонадорлик жамияти, «Қамчиқ-қурилиш» йўл бошқармаси муносиб улуш қўшмоқда.

ҚОСИМЖОНОВ ВА КАСПАРОВ «ЛИНАРЕС-2005»ДА ЎЙНАЙДИ



Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ йўналиши бўйича амалдаги жаҳон чемпиони — ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ҳамда россиялик Гарри Каспаров ўртасида жаҳоннинг мулаққаб чемпионлиги учун ўтказиладиган

учрашув спорт оламининг энг муҳим воқеаларидан ҳисобланади.

Гарчи 2004 йилнинг якунида ФИДЕ раҳбари Кирсан Илкомжонов мазкур учрашув жорий йилнинг январь ойида Бирлашган Араб Амириклари Дубай шаҳрида ташкил этилишини маълум қилган бўлса-да, турли сабабларга кўра, дунёнинг энг зўр шахматчилари баҳси ўтказилмай қолди. Айни пайтда ҳам мазкур муҳим мусобақа қачон ва қаерда ташкил этилиши аниқ эмас.

Аммо, Испания мезбонлик қиладиган «Линарес-2005» аънавий супертурнирида Рустам Қосимжонов жаҳон рейтингидида биринчи ўринини

эгаллаб турган Гарри Каспаров билан икки партия ўйинида донна суради.

Ушбу турнирнинг нуфузини шундан ҳам билиш мумкинки, Линарес шаҳрига дунёнинг энг кўчи халқаро гроссмейстерлари ташриф буюради. Жорий йилнинг 23 февраль кўни бошланадиган супертурнирда Рустам Қосимжонов ҳамда Гарри Каспаровдан ташқари Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Веселин Топалов (Болгария), Петер Лекко (Венгрия), Майкл Адамс (Англия) ва Франсиско Вальехо (Испания) сингари етакчи шахматчилар тақлиф этилган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

«КОНМИТ»: БУЮРТМА КЎПАЙМОҚДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ҳазилқентдаги «Конмит» акциядорлик жамияти учун янги йил муваффақиятли бошланди. Унда тайёрланаётган сифатли печенье ва вафлиларга Қозогистондан 1 миллион 150 минг долларлик буюртма тушди. Айни кунларда Хитой, Қирғизистон каби мамлакатлар истеъмолчилари ҳам қорхонага буюртмалар беришга қи-

ришди. Ҳазилқентда тўнғич қўша қорхона сифатида иш бошланган бу жамоат технологиясининг эскилиги тўғрисидаги йили иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутганди. Мулк шакли ўзгариб, қорхона очик акциядорлик жамиятига айлантирилган, акцияларининг катта қисмини америкалик сармоядор сотиб олди. Натижада технология

янгилашиб, қорхона қисқа вақт ичида оёққа турди. Бугун қандолат маҳсулотларининг тури кўпайиб, сифати тобора яхшиланди. Сўнгги икки ой ичида истеъмолчиларга 25 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Қорхонанинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида ўз савдо дўконлари ишлаб турибди.

КОЛЛЕЖ ЈСА ГРАНТИНИ ОЛДИ

Бухоро шаҳридаги коммунал хўжалик касб-хўнар коллежига ЈСА — Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ўттиз ўринли «Ниссан» автобуси совға қилди.

ЈСА педагог ходимлар малакасини оширишга доир дастурни қўлаб-қувватлаш борасида мамлакатимиз ҳўкумати билан кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур коллеж эса ЈСА грантини қўлга киритган тўққизта ўрта-маҳсуу ўқув юртининг биридир.

Коллеж директори М.Худойқўловнинг айтишича, тузилган шартномага кўра «ЈСА» 2005 йили коллежга 700 минг АҚШ долларига тенг электр қурилмалари ва газ жиҳозларини етказиб беради. Коллеж хузурида фаолият юритаётган малака ошириш маркази ушбу ускуналар билан тўла жиҳозланган, унда мамлакатимизнинг шу йўналишдаги касб-хўнар коллежлари ўқувчилари малака оширадилар.

ТЕЛЕВИЗОРДАН ИНТЕРНЕТГА УЛАНДИ

ТОШКЕНТ. Буюк Британиянинг «Freedomland» компанияси телевизор орқали интернет тизимига кириш имконини берувчи «NetBox» қурилмасини юртимиз аҳолисига кенг қўламада сойтишга киришганига кўп бўлгани йўқ. Лекин 2004 йил охиригача йигирма беш мингта ана шундай ноб техника воситаси етказиб берди.

«NetBox» аппарати интернет тизимига телевизор орқали уланиш имконини беради, — деди ушбу компаниянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бош директори Муҳаммад Харон Чоудри ўЗА муҳабрига. — Айни пайтда ундан ривожланган давлатларда бир миллиондан ортиқ киши самарали фойдаланипти. Бу замонавий қурилма мак-

таб ва олий ўқув юртларида дарс ўтишда, кинотеатрларда, меҳмонхоналарда фильмлар намойиш этишда, зарур ахборот ва тасвирларни олишда айниқса қўл келади. «NetBox» айни вақтда интернетдаги маълумотларни принтер орқали қоғозга кўчириш имконини беради ва факс вазифасини ҳам ўтайди. (ЎЗА)

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI!

Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'lari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ALQABANK —
aniq, tez, ishonchli!

Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz

Хизматлар лицензияланган



Mustaqillik kўchasi

ИСТИҚЛОЛ ВА БУНЁДКОРЛИК

Шуқри, узок давом этган оғир замонлар, зиддиятли курашлар ортда қолди. Юртимизда эса бошлаган Мустақиллик шамоли Самарқанд заминига ҳам эркинлик руҳи, эзгулик нафасини олиб келди. Президентимиз Ислам Каримовнинг саъй-ҳаракати туфайли ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ислоҳ қилина бошлади, жумладан миллий маданиятимиз намуналарига муносабат ҳам тубдан ўзгарди, олис маздан мерос қолган ҳар бир осори-атика халқнинг дахлсиз мулки, деб эълон қилинди. Шу билан бирга, кўҳна ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитган ҳолда келгуси наслларга етказиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси деб белгиланди. Энг муҳими, бутун мамлакатимиз каби Самарқанд ҳам улкан бунёдкорлик ва қурилиш майдонига айланди.

Шундай лаҳзаларда беихтиёр донишманд боболаримиз худдики ёнимизда ҳамнафас яшаётгандай, қадимий Самарқандни ёшартириш йўлида олиб бораётган эзгу ишларимиздан қувонаётгандай туюлади. Бу муаззам шаҳарнинг улғувор пештоқлари, равоқлари, минора ва гүмбазлари қаршида турганда, улғулар хоки ётган мўтабар масканларни зиёрат қилганда, Соҳибқирон бобомизнинг «Адолатли бўлинг ва боғлар яратинг!» деган ҳикматли сўзлари қулоқларимиз остида жаранлагандай бўлади. Ана шу давлатга ҳамоҳанг тарзда Юртбошимизнинг «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин!» деган хитоби юракларимизда акс-садо беради.

Бу хитоб замирида бутун юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, уларга гўзаллик, янги маъно-мазмун бахш этиш, миллий меъморчилигимизни жаҳон архитектураси ютуқлари билан уйғунликда ривожлантириш, қолаверса, ҳар бир фуқарони, айниқса, ёшларни ана шу гўзаллик руҳида тарбиялаш ҳақидаги умумбашарий фалсафа ётади. Бу фалсафа бугун халқимизнинг дунё цивилизацияси, унинг аъна ва тахрибаларини ҳар томонлама ўзлаштиришида, аждодлардан қолган моддий ва ёзма ёдгорликлар орқали ўзлигини янада теран англашида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётди.

Давлатимиз раҳбарининг аждодлар хотираси ва маънавий меросига чуқур эҳтиром билан қараши буюк ватандошларимиз — Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи дунё миқёсида кенг нишонланган йилларда айниқса яққол намоён бўлди. 1996 йили Тошкентнинг қоқ марказида миллий меъморчилик тажрибалари асосида сайқал берилган Темурийлар тарихи давлат музейи биноси қад ростлади. Шу йили, пойтахтимиз ва Шаҳрисабзда бўлгани каби, Самарқандда ҳам Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. Ушбу монументал санъат асарини шаҳар чироғини янада очиб юборди, унга ўзгача кўрж ва маҳобат бахш этди.

Мухтасар айтганда, Самарқанд йигирма беш асрдан зиёдроқ вақт мобайнида чинакам буюқ тарихни бошидан кечирган экан, унинг эртанги кўни ҳам буюқ бўлиши лозим. Бинобарин, бу шаҳарда амалга оширилган қурилиш, таъмирлаш ва ободончилик ишларига ана шу мезон талаблари асосида ёндашмоқ зарур.

ШАҲАР ҲАЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

Биз Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг, кимки бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган иморатларни келиб кўрсин, деган сўзлари замиридаги теран маънони

мустақиллик йилларида янада теранроқ англаб етатиладиган. Ўзингиз ўйланг, ҳар бир инсон дилида гурур ўйготадиган улкан иншоотларни барпо этиш учун қанча маблағ, қанча моддий ресурслар, қолаверса, ишчи кучи, жиддий масъулият ва қатъият талаб қилинади.

Президентимиз ҳар гал Самарқандга келганда, албатта ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тубдан яхшилаш масалалари билан қизиқади, қадимий шаҳар қиёфасини ўзгартириш, одамларнинг оғирини енгил қилишга қара-

фқрича, Самарқандни ҳар томонлама обод қилиш, унинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, қадимий обидаларни асраб-авайлаш ва таъмирлаш, шаҳарнинг замини, суви ва ҳавоси ҳар жиҳатдан мусаффо бўлишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш даркор. Масалага яна ҳам кенгроқ назар ташлайдиган бўлсак, Буюқ ипак йўли чорраҳасида жойлашган, азалдан доимо ҳаёт қайнаб турган Самарқандга ер юзининг турли мамлакатларидан ташриф буорадиган минг-минглаб одамлар бизнинг бугунги фаолиятимизга шаҳарнинг қиёфаси, турмуш тарзи, ўлмас тарихий ёдгорликлар қандай сақланаётганига қараб баҳо беришни унутмаслигимиз керак.

Яна бир эътиборли жойи шундаки, хорижий давлатларда Ўрта Осиё ёки Ўзбекистон деганда аввало Самарқандни кўз олдида келтирадиган кишилар жуда кўп. Азим Самарқанд ўз вақтида буюқ Амир Темур салтанатининг пойтахти бўлганидан барчамиз чуқур фахр-ифтихор туямиз. Ҳар қайси инсон она қишлоғи, она шаҳри, она юрти билан фахрланиши табиий. Бу туйғу кўп нарсани белгилайди, яъни «Улғу аждодларимиз шон-шухрати, муқаддас хотираси, уларнинг қолдирган маънавий меросига муносиб тарзда яшаймишимиз?» деган саволни ҳар биримизга эслатиб туради.

Тан олиш керакки, Президентимиз 17 июль кўни қадимий шаҳар муаммолари ҳақида жон куйдириб сўзлаган-

кидлаб, шаҳар марказидаги маданият ва истироҳат боғида, кўпгина кўча ва хиёбонларда, тарихий бинолар атрофида ҳукм сураётган бундай хунук кўриниш ва ҳолатларга зудлик билан барҳам бериш вазифасини кескин қилиб қўйди.

Вужудга келган ноҳус аҳволни бартаф эйтиш учун бу ердаги ноқобил, тепадан фақат кўрсатма кутиб ўтирадиган, ўзининг тинчидан, мўмай даромад топишдан бошқа нарсани ўйламайдиган, хизмат вазифасини суиистеъмол қилган раҳбар ходимларнинг қонун олдида жавоб бериши учун зарур чоралар кўрилди.

Давлатимиз раҳбарининг масалага талабчан ёндашуви, қуноқчилик билан айтган сўзлари, берган оқилона йўл-йўриқлари бутун Самарқанд аҳлини уйғотди, бу ерда янги бунёдкорлик муҳитини вужудга келтирди ва бунинг самараси тез орада кўзга ташлана бошлади. Аввало, Президентимиз тавсиялари асосида шаҳарнинг меъморий қиёфаси ва инфратузилмасини ҳозирги замон талабларига биноан қайта тиклаш бўйича алоҳида режа тайёрланди. Режага кўра, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуини тиклаш, Регистон майдонида реконструкция ишлари олиб бериш, Хотира майдони мажмуини қайта бунёд этиш, маданият ва истироҳат боғини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кўчалар ва хиёбонларни жорий ва капитал таъмирлаш юзасидан тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди.



навий талаблар асосида қайта тиклаш масаласи ҳам киритилган эди.

Биз янги таъмирдан чиқиб, яшнаб ёшарган Алишер Навоий кўча-хиёбонига қадам қўйган йўловчиларни, айниқса, кекса ва ўрта авлод вакиллари «Шарқ юлдузи» кинотеатрининг ичкарию ташқарисида жадал суръат ва юқори сифат билан баҳариллаётган реконструкция ишлари астойдил қизиқтираётганига гувоҳ бўлдик.

— Болалик пайтларимда мана шу

эътибордан четда қолгани — аччиқ ҳақиқат. Майдон ўртасида собиқ шўро давридан қолган кўримсизгина «Мангу олов» ёдгорлиги мавжуд эди, холос. Президентимиз ўша ташриф чоғида бу ерда ҳам бўлиб, майдоннинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, халқимиз руҳияти, миллий урф-одатлари ва аъналарига мос тушадиган меъморий ечим топиш зарурлиги ҳақида фикр билдирган, қимматли тақлифлар айтган эди. Бугун ўша ғоялар янгитдан бунёд этилаётган кўркам обидаларда ўз ифодасини топмоқда.

Хотира майдонининг тўрида қад ростлаган Мотамсаро она ҳайкали ўзининг меҳрибон ва муштипар чеҳраси, руҳий ҳолати билан оғир урушда ўз жигаргўшаларидан жудо бўлган минглаб ўзбек оналарининг тимсоли сифатида халқимиз қалбидаги ғам-аламни теран ифода этади. Ҳайкал рўпарасида ловуллаб ёниб турган мангу машъала одамни узок ва маъносиз ўйларга толдиради.

Сўнгра теп-текис гишлар ётқизилган кенг хиёбоннинг икки тарафида тикланган, устун, пештоқ ва равоқлари миллий ўймакорлик нақшлари билан безатилган айвонларга ҳайрату ҳавас билан тикиламиз. Айвон деворларига хотира қоқийлигининг рамзи ҳисобланган қирмизи гранит зарбланган. Китобни эслатуви лавҳаларда Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган минглаб самарқандлик мард ўғлонларнинг ўчмас номлари муҳрлаб қўйилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, Хотира майдонини қайта тиклаш билан бирга, майдон атрофидаги архитектуравий манзарани ҳам янгилаш, айрим эски биноларни замонавий талаблар асосида қайта таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш масаласи ҳам ўртага қўйилган эди. Шунга биноан, Мирзо Улуғбек кўчасидан Амир Темур кўчасига қадар асфальт ётқизилди. Кенг миқёсли таъмирлаш-тузатиш ишлари олиб борилаётган Темур Малик, Мирзо Улуғбек, Мироншоҳ, Ялантўш Баҳодир, Абдураҳмон Жомий каби жами саккизта кўча таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Ҳозирги вақтда шаҳарда юрак хасталиклари шифохонасининг иккинчи навбати, иккита замонавий мактаб биноси қурилиши ниҳоятсига етказилмоқда. Айни пайтда, кўча-хиёбонлар, маҳалла-гузарларнинг санитария аҳолини яхшилаш мақсадида 30 та янги чиқинди тўплаш жойлари ташкил этилди, 150 та контейнер ўрнатилди, 15 та махсус машина келтирилди.

— Мен шифокор сифатида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мана шу жиҳати эътиборни қаратмоқчиман, — дейди Шариф Фафоров. — Шаҳримиз қанчалик обод, тоза ва озода бўлса, аҳолининг саломатлиги шунча яхши бўлади. «Сиҳат-саломатлик йили»нинг мана шундай хайрли ишлар билан бошланганлигида ҳам ҳосият бор, деб ўйлайман.

Қадимий Самарқанд қиёфасида рўй бераётган улкан ўзгаришлардан кўнглимиз ёруғликка тўлиб, навбатдаги манзил сари йўл оламиз. Алишер Навоий боғи, Регистон майдони, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуи, Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг мақбарасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари келгуси суҳбатимиз мавзусидир.

Хуршид ДАВРОН,
Асад ДИЛМУРОД.

САМАРҚАНД САЙҚАЛИ ЯНАДА ЗИЁДА БЎЛАДИ

тилган янги-янги тақлифларни олға суради. Сир эмас, ўтган йиллар давомида шаҳарнинг меъморий қиёфасида рўй берган ўзгаришлар нечоғли қамровли бўлмасин, улар Самарқанддек азим шаҳарнинг нуфузи ва шон-шухратига ҳали тўла жавоб бермас эди.

Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 17 июлида Самарқандга атай ташриф буюриб, шаҳарнинг бугунги ҳолати билан яқиндан танишиди, мавжуд вазиятни танқидий баҳолаб, чуқур таҳлил қилди. Шу кўни мутасадди раҳбарлар билан ўтказилган ўта жиддий муҳокама Самарқанд ҳаётида янги саҳифани бошлаб берди, десак хато бўлмайди.

Юртбошимиз Самарқанд нафақат Ўзбекистон, балки дунё тарихида ҳам алоҳида ўрин тутишини, бу буюқ шаҳар халқимизнинг фахр-ифтихори эканини, унинг кўрку латофатидан келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлишига ҳақли эканини алоҳида таъкидлади.

Самарқанд фақат шаҳар аҳли эмас, бутун ўзбек халқининг, бутун башариётнинг мулкидир. Агар бу шаҳарнинг Осиё юрағи эканини, ЮНЕСКО томонидан археологик музей-шаҳар сифатида жаҳон моддий ва номоддий ёдгорликлар рўйхатида киритилганини назарда тутсак, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Демакки биз, бу шаҳар учун, унинг бугуни ва келажиги учун наинки эл-юртимиз, балки дунё жамоатчилиги олдида ҳам масъулмиз, деган эди давлатимиз раҳбари ўша муҳокама чоғида.

Шунинг учун ҳам Президентимиз

да, бу саволга ижобий жавоб бериш мушкул эди. Энг ёмони, бундай ҳолатнинг юзага келишига айрим раҳбарларнинг шаҳар ҳаётига, бебаҳо маданий бойлигимиз саналган обидаларга белисанд муносабати сабаб бўлган. Улар ҳатто кўҳна, муқаддас мазорлар ён-веридида ерларни ҳам «чаққон тадбиркор»ларга пуллаб боришига қарор берган. Шундай «юмуш»лар билан ўралашиб, шаҳар аҳлининг ташвиш ва муаммоларига, мавжуд камчилик ва нуқсонларига мутлақо эътибор беришмаган. Ҳатто бир пайтлар гуллаб-яшнаган шаҳар марказий боғи ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бу ердаги улкан қадимий чинорлар, ноёб сарвлар ва бошқа манзарали дарахтлар қаровсиз қолдирилган.

Боғнинг сўлим хиёбонларини йўлақлари атрофида, соя-салқин жойларида қадимий шаҳар қиёфасини бузадиган, замонавий меъморчилик талабларига мутлақо зид, кўримсиз майда-чуйда дўконлар, савдо расталари, бар-қаҳвахоналар, кабобхонаю пивхоналар аралаш-қуралаш қилиб қуриб ташланган. Энг ачинарлики, «Нима учун ҳозирга қадар шаҳар қиёфасини замонавий меъморчилик асосида такомиллаштириш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилмаган?» деган ҳақли савол амалдорларнинг ҳаёлига ҳам келмаган.

Президентимиз амалий сўхбат чоғида бу масалада айрим раҳбарлар томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар энг аввало, манфаатпарастлик, лоқайдлик, масъулиятни бутунлай унутуш оқибати эканлигини таъ-

ҳозирги пайтда мамлакатимиз раҳбарининг бевосита назоратида турган ушбу дастурни тўла жорий этиш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда. Муқаддас шаҳарнинг ҳар қарич ери, ҳар бир гиёҳи, айниқса, ҳар бир обидаси ганжина қадарли азиз ва қимматли эканлигини англаб етган ёш ҳари самарқандликлар умум-халқ ҳаширида иштирок этмоқда.


— Ўсқилардан қолган гап бор: элни обод қилган, халқнинг дуосини олганлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Илоҳим, Самарқандимизни янада файзли-тароватли қилишга бош бўлганларнинг умри узок бўлсин, — деб дуо қилади меҳнат фахрийси Ўрок ака Жамолов.

— Бутун юртимиз чироили бўлиб бораётган бугунги кунда Самарқанднинг эски шухрати билан фахрланишнинг ўзи кифоя қилмайди, — дейди таъмирчи-меъмор, Ўзбекистон Қаҳрамони Миромар Асадов. — Ислоҳ ака бошлаб берган ташаббус ҳам-мамизнинг диллимиздаги иш бўлди. Барчамиз бу савоб ишга кўлимиздан келганича ҳисса қўшяпмиз. Қисқа вақт ичида шу қадар кўп иш бажарилдики, ҳали барини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Дарҳақиқат, биз Самарқанддаги янги қурилиш ва ободончилик ишлари билан танишганимизда бу ҳақиқатга яна бир қарра гувоҳ бўлдик.

ЭЗГУЛИК ОДИМЛАРИ

Юқорида эйкр этилган дастурга шаҳар тарихида алоҳида ўрин тутган «Шарқ юлдузи» кинотеатрини замо-



«Мотамсаро она» хотира майдонининг кўриниши

Спорт

БАДИЙ ГИМНАСТИКА




Мамлакатимизда сўнгги йилларда бадий гимнастика кенг ривожланмоқда. Хукуматимизнинг эътибори туфайли вилоятларда ушбу спорт турига мўлжалланган бир қатор спорт саройлари қурилди.

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Шарк гўзали — 2004» жаҳон кубоги босқичи ҳам мамлакатимизда бадий гимнастика равнақ топаётганини яна бир бор кўрсатди.

АЗАМАТ ФУТБОЛДАН КЕТГАНИ ЙЎҚ

Азамат Абдураимов ўзбек футболда ўзига хос шухрат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган спортчиларимиздан бири. Узоқ йиллар республикамиз бош жамоаси «Пахтакор»да тўп сурди.



ривожланаётган футзал (мини-футбол)га қаратди. Дастлаб, у миллий терма жамоамизга мураббийлик қилган бўлса, айна пайтда ўзбекистон чемпионатида чемпионликка даъвогарлардан саналган пойтахтнинг «Ардус» жамоасида ўйновчи-мураббийлик қилмоқда.

бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати финалига чиқиш учун астойдил кураш олиб бораётган терма жамоамиз хусусида эса у куйидаги фикрларни билдирди:

— Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбариятининг олиб бораётган оқилона ишлари эътиборга олинганда, ахир эндагина мустақилликка эришгандик-да ўшанда... Бизга рўбарў келган жамоаларни қаранг. Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Хитой. Буларнинг бари Осиёнинг энг номдор — грант жамоалари саналади.

— Куч ва имкониятимиздан ташқари бироз омадга ҳам ишонса бўладими?

— Биласизми, 1994 йили Хиросимада Ўзбекистон чемпиони бўлиб қайтганида кўпчилик хайратга тушганди. Ахир эндигина мустақилликка эришгандик-да ўшанда... Бизга рўбарў келган жамоаларни қаранг. Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Хитой. Буларнинг бари Осиёнинг энг номдор — грант жамоалари саналади.

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри санъаткорлари ўз репертуарларидан мустаҳкам ўрин олган «Супер қайнона» каби спектакллар ҳамда катта концерт дастурлари билан кишлоқ клублари сари «юриш»

ҚИШЛОҚЛАРДА ТЕАТР КУНИ

бошладилар. Таникли адиллар, санъат намояндалари билан юзма-юз учрашув ва мулоқот кишлоқ кишиларини мамнун этмоқда. Наманган туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ва Қозоқжон Солиев номи корпорация клубларидан бошланган хордиқбахш тадбирлар Мингбулок, Поп, Чуст ва бошқа туманлардаги кишлоқларда ҳам давом этади.

— Ушбу ўтказилаётган бадий дастурларимиз намойиш жамоамиз учун ҳам унутилмас, илҳомбахш руҳ бағишламоқда, — дейди театр директори К.Муҳиддинов. Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Саломатлик Сандиги

ИБН СИНО ЎГИТЛАРИ

Агар уйку хаддан ошиб кетса, мия қоринчаларини хилтлар билан тўлдиради.

Бадан доимо ҳаракатда бўлар экан, давога эҳтиёж қолмайди.

Гўшлар гализидан сақланган ҳолда сутлар томон юзлан.

Маст шахсдан ақл, ҳаё ва сабр кетади. Мадомики, инсон шулардан ажралар экан, одамгарчиликдан чиқади.

Овқат устига ва ҳаммомдан чиқиб биланок сув ичма.

Уйку кучни кўзгатади, баданни чикиндилардан тозалайди.

Уйку ўз вақтида яхши. Фарзандингизни жуда тўйган ҳолда ухлатмангиз.

Ибн Сино беморларни даволашда гуллардан кўп фойдаланган

НИЛУФАР

Нилуфар илдизи эзиб ичилса ёки суртма қилинса талоқ шиши учун фойдали. Уруғи ва илдизи яраларни битириш хусусиятига эга. Илдизи қон кетишини тўхтатади, доғни йўқотади.

ГУЛХАЙРИ

Гулхайрида юмшатиш-пишириш, бўшатиш ва шимдириш хусусиятлари бор. Гулхайри шишларни юмшатади, қайтаради ва қонли шишларни сўриб, чиққонни пиширади. Айниқса, у ўрдак ёғи билан биргаликда бўғинларга боғланса, оғриқни босади, қулоқ шишида ҳам гулхайри фойдали.

Ўпка яллиғланиши ва зотилжамда унинг барглари боғланса шифо топади. Унинг уруғи ва шираси ташналикни босиб, ич кетишини тўхтатади.

ИРОДА ҚАЧОН МАЙДОНГА ТУШАДИ?

Теннисимиз маликаси Ирода Тўлаганова анчадан буён мусобақаларда кўринмай қолган эди. Спортчимизнинг ҳозирги аҳоли ва янги йилдаги режаларини билиш мақсадида унга кўнгирок қилдик.

— Бундан икки йил муқаддам машгулотлар вақтида елкамдан жароҳат олгандим, — деди у. — Хали тўла тузалмасдан Италиядаги турнирда иштирок этдим ва жароҳатим янада зурайди. Шу боис бироз танаффус қилишга тўғри келди.

— Теннис мухлислари сизни соғиниб қолишган... — Ҳа. Ҳали ҳам сезиб юрибман. Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Tashkent Open» турнирида ҳам жароҳатларим туфайли кўнгилдагидек иштирок эта олмадим.

Яқинда Москвада даволаниб қайтдим. Ҳозирда ўзимни яхши ҳис этаётман. Саломатлигим жойида. Уч ойдирик, пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуасида машгулотларда қатнашаётман.



эса, шу ойнанг охирида Таиландда бўлиб ўтадиган ютук жамғармаси 170 минг АҚШ долларини ташкил этувчи «Патая» турнирида муваффақиятли иштирок этиб, мухлисларимни ҳушнуд қилиш ниятидаман. Фурсатдан фойдаланиб, тезда соғайишимни чин дидан истаб, кўнгил сўраганларнинг барчасига ташаккур билдираман.

— Эртага Ватан ҳимоячилари кунини. Уларга қандай тилакларингиз бор? — Аввало омад. Ийгилик учун ҳаётда энг муҳими шу. Ҳарбий хизматдагиларнинг барчасига сихат-саломатлик тилайман. Уларнинг соғлом ва бақувват бўлиши ҳаммамиз учун керак.

Интер-спорт

БЕКХЭМ «РЕАЛ»ДАН КЕТМАЙДИ

Мадриднинг «Реал» клуби янги мураббийси Вандерлей Лешембург Англия терма жамоасининг сардори Дэвид Бекхэм хизматига муҳтожлик қолмаганини баён қилди.



яхши билиши, у билан «Манчестер Юнайтед»да бирга ўйнаганини айтмоқда. Агар Бекхэм «Челси»га ўтадиган бўлса маркетинг ишида катта қадам ташланган бўларкан. Бекхэмнинг ўзи эса Мадридда матбуот йиғилишида сўзга чиқиб, биринчи марта испанча гапиришга ҳаракат қилди. Унинг сўзига қараганда, «Реал»га янги мураббийнинг келиши жамоа таркибини «кўзгатиб» юборган. «Менинг ҳақимда танқидий фикрлар кўп бўлади, — дейди Бекхэм. — Агар ёмон ўйин кўрсатсам, демек мен «кексайиб» қолганман ва спорт билан хайрлашим керак. Афсуски, менинг ёшим 29 да эканига ҳеч ким эътибор қилмаяпти. Яна 5-6 йил юқори савияда тўп суришим мумкин-ку, ахир». Бекхэм ҳозирча Англиянинг биринчи бўлиб янги шартнома тузиб, 2007 йилгача Мадрид клубида ўйнашдан умидвор.

ЭНГ ЯХШИ БОКСЧИ



WBC йўналиши бўйича ўта оғир вазнли жаҳон чемпиони Виталий Кличко ана шу ташкилот хулосаси бўйича декабрь ойининг «Энг яхши боксчи»си номига сазовор бўлди. WBC раҳбарияти украиналик боксчининг англиялик Денни Уильямс устидан қозонган ғалабаси бўйича ана шундай фикрга келди.

Шундай қилиб, Кличко бокс тарихида биринчи марта ана шу вазнда жаҳон чемпиони ўнвонига эга бўлган. Энди Кличко наватдаги жангни америкалик Хасим Рахмон билан ўтказмоқчи. Бундай жанг учун Нью-Йоркдаги «Madison Square Garden» ҳамда Лас-Вегасдаги «Mandalay Bay» спорт саройлари танланмоқда. Учрашув эса 14 майга мўлжалланган.

20 МИЛЛИОНГА СОТИЛАРМИКАН?

Футбол бўйича Россия собиқ чемпиони ЦСКА жамоаси ФИФАга мактуб йўллаб, мазкур клубда тўп сураётган бразилиялик ҳужумчи Вагнерга ўз бахосини айтишни сўради. Боиси, бу футболчи киши билмас тарзда «Коринтианс» клуби билан шартнома тузиб қўйган. Агар футболчи 15 январга қадар ЦСКА жамоасига қайтса, унга нисбатан интизомни бузганилик қондаси қўлланилмайдиги. Бордию, қайтмайдиган бўлса ЦСКА олти ойгача унинг майдонга тушмаслигини талаб қилади. Гап шундаки, Вагнернинг «Коринтианс»га ўтиш масаласи шартнома бўйича 20 миллион долларга баҳоланаётган экан.



«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ»

очик акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Наманган вилояти Учқўрғон шаҳридаги «Учқўрғон-ёғ» очик акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2005 йил 28 январь куни соат 13.00 да жамият клубида бўлиб ўтади. Рўйхатга олиш 2005 йил 28 январь куни соат 10.00 да бошланади.

Йиғилиш кун тартиби: 1. Жамият Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш. «Учқўрғон-ёғ» ОАЖ Кузатув кенгаши.

Зарафшон шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, Олий Мажлисининг Саноят, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.А.Кочмарикка онаси

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журнали таҳририятлари жамоалари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И.А.Кочмарикка онаси

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририят жамоаси «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош директори Бобур Алимовга акаси Фикрат Шухратович АЛИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey ORLOV, Nomoz SA'DULLAYEV, To'lepbergen QAIPIBERGENOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Olim MURODOV, Abdug'ani MAMASODIQOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55, Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, Parlament va huquq 136-76-21

Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43

Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83

Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70, Buxoroda — 222-10-92, Gulistonda — 25-03-80, Jizzaxda — 5-49-85, Navoiyda — 3-39-20, Namanganda — 6-43-43, Nukusda — 222-70-15, Samarqandda — 35-20-54, Urganchda — 226-51-35, Farg'onada — 26-43-62, Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Xurshid RAUPOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyida chop etiladi. Korxonaning manzili: A.Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. K — 0010

13625 nusxada bosildi

— Tijorat materiali

O'za yakuni — 21.00, Topshirish vaqti — 21.00. 1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda